

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш бўйича олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини Мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши таълим жараёнини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имкониятларини яратди.

Шу билан бирга, сув хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бунда:

биринчидан, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жадаллик билан жорий этилаётган замонавий интенсив, сувтежамкор технологиялар ҳамда илғор тажрибалар фан дастурларида ўзининг аксини топмаганлиги, таълим йўналишлари бўйича замонавий талаблар асосида яратилган методик қўлланмалар билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳамда институт ўқув-лаборатория базаси маънан ва жисмонан эскирганлиги натижасида талабалар замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлмаётганлиги сабабли битирувчиларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида муаммолар мавжуд;

иккинчидан, мутахассислар тайёрлаш юзасидан эҳтиёжлар чуқур таҳлил қилинмаганлиги оқибатида соҳага инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, гидроэнергетика ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, гидроэкология, гео ва гидроинформатика каби йўналишларда олий маълумотли кадрларга эҳтиёж мавжуд;

учинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибаларини доимий ошириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий компетентлигини оширишда соҳа бўйича хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланилмаяпти;

тўртинчидан, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг тизимли ташкил этилмаганлиги, илмий изланишларнинг соҳада мавжуд долзарб илмий муаммолар ечимларига қаратилмаганлиги оқибатида илмий фаолиятнинг замонавийлик ва натижадорлик даражаси пастлигича қолмоқда;

бешинчидан, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини соҳавий корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас боғланмаганлиги оқибатида битирувчиларнинг амалий кўникмалари талаб даражасида эмас.

Сув хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш тармоқлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг таклифлари асосида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) унинг Бухоро филиали ва академик лицейлари билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ўтказилсин.

2. Қуйидагилар Институт ва унинг Бухоро филиалида олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

сув хўжалигида инновацион ресурстежамкор техника ва технологияларни қўллаш, геодезия ва геоинформатика, дарё ва сув омборлари гидрологияси бўйича янги ва замонавий билимларга эга бўлган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, ўқув режаси ва фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялар бўйича билимларни акс эттириш, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш орқали олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш;

талабаларга таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича соҳада амалга оширилаётган модернизация ва жорий этилаётган замонавий технологияларга оид янги билим ва кўникмаларни сингдирган ҳолда сифатли таълим бериш;

профессор-ўқитувчиларнинг касбий билими, педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириш, хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш орқали манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг узвий тизимини яратиш, бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, уларда сифатли таълим берилишини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларини битираётган кадрларни ўз мутахассислиги бўйича ишга йўналтириш, уларнинг касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш.

3. Қуйидагилар:

Институт ва унинг Бухоро филиали тузилмаси **1** ва **1а-иловаларга** мувофиқ;

Институтда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича йўл харитаси **2-иловага** мувофиқ;

Институт ва унинг Бухоро филиалига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, вилоят ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов контракт асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси **3-иловага** мувофиқ;

2018/2019 ўқув йилида Институт бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимооти **3а-иловага** мувофиқ;

2018-2019 йилларда Институт ва унинг Бухоро филиалида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрлари **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Институт ва унинг Бухоро филиалида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Институт ҳамда унинг Бухоро филиалини тасдиқланган тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Институт ҳамда унинг Бухоро филиали уставларини икки ой муддатда тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Институт таркибидан чиқарилаётган Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳамда

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини таҳлил қилган ҳолда уларнинг идоравий мансублигини аниқласин.

7. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Институт ҳамда унинг Бухоро филиалида қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳаси магистратура мутахассисликларига қабул Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилсин.

8. Институт ва унинг Бухоро филиалининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони **5-иловага** ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

9. Қуйидагилар Институт ва унинг Бухоро филиалида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шогирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий информацион дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарларига асосий иш жойидан кўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқармалар ва уларнинг таркибидаги корхона ва ташкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.

Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгиловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камида 50 фоиз, 3-босқичда камида 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

10. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39а-уйда жойлашган Тошкент иқтисодиёт ва бизнес касб-ҳунар коллежининг бино-иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда талабалар турар жойи сифатида фойдаланиш учун Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур бандга асосан Институтга берилаётган бинонинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан реконструкция қилинишини таъминласин.

11. Институт ва унинг Бухоро филиали фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия маблағлари;

ҳалқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академияси Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда сув хўжалиги соҳасига оид долзарб илмий-техник муаммолар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда илмий-тадқиқот муассасаларининг Институт билан ўзаро мувофиқлашган ва узвий ҳамкорлигини

таъминлаш ҳамда илмий ишланмаларнинг натижадорлигини ошириш юзасидан зарурий чораларни кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.


14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В. Акмалов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 май,
ПҚ-3702-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3702-сон қарорига
1-ИЛОВА


**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ: Институт (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3702-сон қарорига
1а-ИЛОВА

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ: Филиал (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун ўрнатилган нормативларга мувофиқ аниқланади.

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан
такмиллаштириш бўйича**

ЙЎЛ ХАРИТАСИ

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
I. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун муҳандис-техник кадрларга бўлган талаблар асосида таълим сифатини таъминлаш механизминини шакллантириш					
1.	Ривожланган хорижий мамлакатлар ва маҳаллий илғор тажриба ҳамда кадрлар истеъмоличларининг талаблари, соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялар ўз аксини топган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта ишлаб чиқиш.	<p>1. Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.</p> <p>2. Ривожланган хорижий мамлакатлар ва маҳаллий илғор тажриба ҳамда кадрлар истеъмоличларининг талаблари асосида амалдаги мавжуд давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта таҳлилдан ўтказиш.</p> <p>3. Меҳнат бозори ва соҳанинг замонавий истиқболли талаблари ҳамда хорижий илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва</p>	<p>2018 йил 15 май</p> <p>2018 йил 30 июнь</p> <p>2018 йил 30 август</p>	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		<p>магистратура мутахассисликлар и учун такомиллашган янги давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда босқичма-босқич амалиётга жорий қилиш.</p>			
		<p>4. Фан дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилаётган ва истиқболда қўлланилиши режалаштирилган замонавий дастурий таъминот (AutoCAD, ESTI, 3D Max, Solid Works, WorkBench, ArcGIS, QGIS, Panorama, Google sketch UP, Global Mapper, ScanEXE ва ҳ. к.) маҳсулотлари билан тўлдириш.</p>	<p>график бўйича</p>		
2.	<p>Хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларининг асосида янгидан ташкил этиладиган таълим</p>	<p>1. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларининг асосида янгидан ташкил этиладиган «Сув таъминоти муҳандислик</p>	<p>2018 йил 30 апрель</p>	-	<p>Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар,</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	<p>йўналишлари ва мутахассисликларнинг номларини «Олий таълим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлар и классификатори» га киритиш.</p>	<p>тизимлари», «Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш», «Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», «Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш», «Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари», «Дарё ва сув омборлари гидрологияси», «Сув хўжалигида экология хавфсизлиги», «Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис», «Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти», «Геодезия ва геоинформатика», «Ер кадастри ва ердан фойдаланиш», «Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги» таълим йўналишлари ҳамда уларнинг магистратура мутахассисликларини «Олий таълим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура</p>			<p>Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		<p>мутахассисликлар и классификатори»га киритиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига таклифларни тақдим қилиш.</p>			
		<p>2. Янгидан ташкил этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар иннинг номларини «Олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлар и классификатори»га киритиш.</p>	<p>2018 йил 30 май</p>		
<p>3.</p>	<p>Янгидан ташкил этилаётган таълим йўналишлари бўйича ўқув-методик адабиётлар, ахборот материаллари (шу жумладан, уларнинг электрон вариантлари), махсус даврий нашрлар билан таъминлаш.</p>	<p>1. Янгидан ташкил этилаётган таълим йўналишлари учун ўқув-методик адабиётлар, ахборот материалларини яратиш бўйича соҳанинг етук мутахассислари ҳамда соҳага оид хорижий олий таълим муассасаларининг олимлари таркибидан иборат Ишчи гуруҳ ташкил этиш.</p>	<p>2018 йил 15 май</p>	<p>Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар и институтининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		2. Янгидан ташкил этилаётган таълим йўналишлари бўйича ўқув-методик адабиётлар, ахборот материалларини яратиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил 15 июнь		
		3. Нашр учун тайёрланган ўқув-методик адабиётларни сифатли чоп этиш.	2019 — 2021 йиллар		
4.	Талабаларнинг амалиётларини илғор технологияларга эга корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари ва ташкилотларда ўташларини ташкил қилиш, ёш мутахассисларни ўз йўналишлари бўйича ишга жойлаштириш тадбирларини ўз ичига олган ҳамкорлик шартномаларини тузиш.	1. Талабаларнинг амалиётини ташкил этиш бўйича Ишчи гуруҳ тузиш.	2018 йил 15 май		Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзагротехсаноатх олдинг» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Ўзқишлоқэнергия лойиҳа» ОАЖ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
2. Таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларига амалиёт муддатини 24 ҳафтадан 30 ҳафтагача белгилаш.	2018 йил 30 июнь	3. Амалиётларни мавсумий ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқиш.	2018 йил 30 май		
4. Талабаларнинг амалиёт ўташлари учун янги қуриладиган сув омборлари ва реконструкция қилинадиган ҳамда таъмирланадиган ирригация ва	2018 йил 30 май				

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		<p>мелиорация тизимлари объектлари ҳамда агрокластер тизимида фаолият юритадиган корхоналар рўйхатини шакллантириш ва ушбу ташкилотларда амалиётни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>			
		<p>5. Замонавий техника ва технологияларини жорий этган етакчи корхона ва ташкилотлар, илғор фермер хўжаликлари билан талабаларнинг амалиётларини ўташ бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузиш.</p>	<p>ҳар йили 30 май</p>		
		<p>6. Худудлар бўйича белгиланган корхона ва ташкилотлар, илғор фермер хўжаликларида амалиёт ўтовчи талабалар гуруҳларини шакллантириш ва таълим муассасаси, ишлаб чиқаришдан масъул амалиёт</p>	<p>ҳар йили 5 июнь</p>		

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		раҳбарларини тайинлаш.			
		7. Амалиёт даврида талабалар учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, яшаш жойлари билан таъминлаш ҳамда ўқишни тугатгандан сўнг ишга тақсимлаш.	ҳар йили 5 июнь		
5.	Битирувчи ёш мутахассис ўз касби бўйича ишга жойлашиши, ўз йўналишлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари, касбий фаолиятини мониторинг қилиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	1. Битирувчи ёш мутахассислар билан ишлаш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.	2018 йил 15 май	-	Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
	2. Битирувчи ёш мутахассислар учун буюртмачи ташкилотлар томонидан мунтазам «Бўш иш ўринлари» ярмаркаларини ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	ҳар йили апрель			
	3. Ишга жойлаштирилган ёш мутахассислар, битирувчиларга касбий фаолиятлари бўйича уч йил давомида институт томонидан услубий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг фаолиятини мониторинг	2018 — 2021 йиллар йиллар			

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		тизимини жорий қилиш.			
		4. Ёш мутахассисларни соҳа бўйича давлат корхоналарида меҳнат фаолиятини бошлаши ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиш.	2018 йил 30 май		
6.	Ўқув жараёнида зарур бўладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг намуналари, макетлари, тегишли дастурга эга бўлган тренажёрлари билан таъминлаш.	1. Ўқув жараёни учун зарурий моддий техник базаларни шакллантирувчи Ишчи гуруҳ тузиш.	2018 йил 15 май	Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлик маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзагросаноатҳолдинг» АЖ, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
		2. Ўқув жараёнида фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг намуналари, макетлари, тренажёрларнинг турлари ва микдорлари бўйича таклифлар тайёрлаш	2018 йил 25 май		
		3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация соҳасида фойдаланиладиган замонавий техникаларнинг намуналари ҳамда макетлари билан таъминлаш.	2018-2019 йиллар		

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		4. Махсус дастурлар билан ишловчи қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг тренажёрларини сотиб олиш.	2018-2019 йиллар		
7.	Бириктирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.	1. Институтга бириктирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.	2018 йил 15 май	-	Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлар
	2. Ҳудудларда Сув хўжалиги ва мелиорация касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларни мавжуд моддий-техника базаларини таҳлил қилиш ҳамда замонавий лаборатория жиҳозлари ва ўқув қуроллари билан таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2018 йил 20 август			
	3. Бириктирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқитувчиларининг таянч олий таълим	2018 йил 30 август			

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		муассасаси ҳамда илғор ишлаб чиқариш корхоналарида педагогик ва касбий малакаларини ошириш графигини ишлаб чиқиш.			
8.	Илмий салоҳиятни ошириш мақсадида республиканинг бошқа ҳудудларидан таклиф этилган олимлар ва мутахассисларни турар жой билан таъминлаш учун жойларда қурилаётган ижтимоий уй-жойлардан имтиёзли шартларда хонадонлар ажратиш.	<p>1. Институтнинг ҳозирги кундаги илмий салоҳиятини, мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг талабаларга замонавий билим бериш даражаларини танқидий таҳлил қилиш ва яқин 3 йилда 65 фоиздан ошириш бўйича зарурий чоратадбирлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Илмий салоҳиятни ошириш учун илмий даражага эга бўлган республикадаги ишлаб чиқариш ташкилотларининг етакчи мутахассислари, соҳага оид илмий-тадқиқот институтларининг олимларини институтга жалб этиш бўйича чоратадбирлар ишлаб</p>	<p>2018 йил 25 май</p> <p>2018 йил 5 июнь</p>	Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ва талабгорларнинг ўз маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги Тошкент шаҳар, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		чиқиш ва амалга ошириш.			
9.	Сув хўжалиги ташкилотлари, гидроэнергетика ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, агротехсервис тизими, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Ўзқишлоқэнергиялойиҳа» ОАЖ, «Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг асосланган таклифларига 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қабул квоталарини шакллантириш.	1. Сув хўжалиги ташкилотлари, гидроэнергетика ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, агросервис тизими, «Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг асосланган таклифлари бўйича қабул квоталарини ишлаб чиқиш ва 2022 йилдан бошлаб уларни ишга жойлаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш. 2. Иқтисодиётнинг олий маълумотли кадрларга бўлган реал эҳтиёжлари асосида беш йиллик кадрларга бўлган буюртмалар портфелини шакллантириш.	ҳар йили 30 март	-	Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Ўзқишлоқэнергиялойиҳа» ОАЖ, «Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
II. Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш					
10.	Илмий-тадқиқот ишларини ва ўқув жараёнларини такомиллаштириш мақсадида	1. Илмий-тадқиқот ишларини ва ўқув жараёнларини такомиллаштириш бўйича Ишчи	2018 йил 15 май	-	Сув хўжалиги вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	хорижнинг илғор олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан тизимли алоқаларни кенгайтириш ва уларнинг натижадорлигини ошириш.	<p>гуруҳ ташкил этиш.</p> <p>2. Соҳанинг истикболли ривожлантиришга қаратилган инновацион илмий ишланмаларнинг натижадорлигини ошириш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Сув хўжалиги соҳасига оид долзарб илмий-техник муаммолар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда илмий-тадқиқот муассасалари, хорижнинг илғор олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш.</p> <p>4. Илғор технологияларга эга бўлган корхона ва ташкилотларда мутахассислик кафедраларнинг</p>	<p>2018 йил 30 май</p> <p>ҳар йили 30 сентябрь</p> <p>ўқув йили давомида</p>		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		филиалларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, илмий ечимини излаш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.			
11	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг соҳага алоқадор илмий муассасалари билан ҳамкорликда долзарб мавзулар бўйича ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш.	1. Соҳага алоқадор илмий муассасалар билан ҳамкорликда ишлаш бўйича инновацион гуруҳ ташкил этиш.	2018 йил 30 май	Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Сув хўжалиги вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
		2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг соҳага алоқадор илмий муассасалари билан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ҳамкорликда амалга ошириш.	2018 — 2020 йиллар		
12	Илмий изланишлар олиб бораётган докторантларни, иқтидорли талаба-ёшларни соҳанинг илмий муаммоли мавзулари билан шуғулланишга жалб этиш, тадқиқот ишлари учун ишлаб чиқариш	1. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимлар билан ишлаш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.	2018 йил 15 май	Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари бўйича тушган маблағлар	Сув хўжалиги вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
		2. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этиш.	ҳар йили 30 май		

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	ташкilotлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида тажриба-синов ишлари учун шароитлар яратиш.	3. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимларни илмий-тажриба ишларини бажариш режа-графигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	хар йили 30 июнь		муҳандислари институти
4. Иқтидорли талабалар, магистрантлар ва ёш олимларига тадқиқот ишларини олиб боришлари учун ишлаб чиқариш ташкilotлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида тажриба-синов ишларини ўтказиш.		2018 — 2020 йиллар			
13	Илмий иш билан шуғулланиш учун ёш изланувчиларга зарур шароитлар яратиш.	1. Етакчи олимлар иштирокида иқтидорли талабалар, магистрантлар ва илмий изланувчилар учун мақсадли курслар ва семинарлар ташкил этиш.	2018 — 2020 йиллар	Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, халқаро таълим грантлари, Тошкент	Сув хўжалиги вазирлиги, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ва институтининг бюджетдан ташқари
2. Давлат дастурлари ва халқаро лойиҳалар ҳисобидан иқтидорли магистрантлар ва докторантларни хорижнинг етакчи олий таълим ва илмий		2018 — 2020 йиллар	ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ва институтининг бюджетдан ташқари		

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		муассасаларига ўқишга, тажриба ўрганиш учун стажировкага ҳамда илмий анжуманларга хизмат сафарига юбориш.		маблағлари ва ҳомийлик маблағлари	
14	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналиши бўйича фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграцияси асосида малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида «Ўзагросервис» АЖ тасарруфидаги корхоналар, агрокластер тизимида фаолият юритадиган (Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Mirzabod universal trade cluster» хусусий корхонаси, Жиззах вилояти Ш. Рашидов тумани «Хаётбек текстил» МЧЖ каби) корхоналарда талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ҳамда илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион технологияларни	<p>1. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналиши бўйича талабаларнинг амалиётларини агрокластер тизимида фаолият юритадиган корхоналар ҳамда «Ўзагросервис» АЖ тасарруфидаги ташкилотларда ўтказиш.</p> <p>2. Институт олимлари томонидан қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ирригация ва мелиорация соҳасидаги илмий-тадқиқот натижалари ва яратилган инновацион технологияларни агрокластер тизимида фаолият юритадиган корхоналар, «Ўзагросервис» АЖ тасарруфидаги ташкилотларда амалиётга татбиқ қилиш.</p>	<p>2018 — 2020 йиллар</p> <p>2018 — 2020 йиллар</p>	-	Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти, Фанлар академияси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, «Mirzabod universal trade cluster» хусусий корхонаси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	амалиётга жорий қилиш.				
III. Педагог ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантириш					
15	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида илмий-педагог кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, профессор-ўқитувчилар учун замонавий педагогик технологиялар, илмий-тадқиқотлар методологиялари бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш.	1. Соҳада илмий-педагог кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.	2018 йил 15 май	-	Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
		2. Таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари шунингдек, барча мутахассис фанларни ўқитишда махсус компьютер дастурлар пакети, геоахборот тизимлар дастурларини жорий этиш.	2018 йил 2 сентябрь		
		3. Профессор-ўқитувчилар учун педагогик технологиялар, илмий-тадқиқотлар методологиялари бўйича даврий равишда ўқув-семинарлар ташкил этиш.	2018 — 2020 йиллар		
16	Хорижий давлатларнинг рейтинг юқори илмий ва олий таълим муассасаларига	1. Ёш педагогларни хорижий тилларни ўрганиш курсларига жалб этиш.	2018 — 2020 йиллар	Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	иқтидорли ёшларни магистратура ва докторантурада ўқитиш, илмий ходимларни стажировкага, шу жумладан, янги ташкил этилаётган таълим йўналишларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни малака оширишларини ташкил этиш.	2. Магистратура ва докторантурага хорижий давлатларнинг рейтинг юқори бўлган университетларига ўқишга, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчиларни стажировка ҳамда малака оширишга юбориш режасини ишлаб чиқиш, тегишли шартномаларни расмийлаштириш.	2018 йил 30 июль	мулоқот маркази, халқаро грантлар	ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
17	Таълим сифатини ошириш мақсадида хорижий олимлар ва мутахассисларнинг маъруза ўқишларини ташкил этиш ва онлайн режимида видеоконференциялар орқали машғулотлар ўтказишни йўлга қўйиш.	1. Институтда таълим жараёни ва малака ошириш курсларига хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2018 йил 15 май	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро грантлар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
	2. Онлайн режимида видеоконференциялар орқали машғулотлар ўтказишни йўлга қўйиш, ўқув семинарлар ва тренинглар ташкил этиш.	2018 — 2020 йиллар			
18	Мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги илғор корхона ва	1. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги илғор корхона ва ташкилотларнинг рўйхатларини шакллантириш.	2018 йил 15 май	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар,
	2. Мутахассислик	2018 йил			

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	ташкilotлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари базасида касбий малакаларини оширишни ташкил этиш.	фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни соҳадаги илғор корхона ва ташкilotлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари базасида касбий малакаларини ошириш режасини ишлаб чиқиш.	30 май	нг бюджетдан ташқари маблағлари	Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
		3. Иш берувчи корхона ва ташкilotларнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирокида кафедраларда профессор-ўқитувчилар ва битирувчи курс талабалари учун «Ишлаб чиқаришнинг муаммоларига бағишланган маърузалари»ни ташкил қилиш графигини ишлаб чиқиш.	2018 йил 20 август		
IV. Таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш					
19	Таълим сифатини ошириш мақсадида уларни модернизация қилиш, замонавий ўқув-лаборатория мажмуалари, илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация	1. Сув сарфини ўлчовчи асбоблар, рақамли электрон-автоматик приборлар ва ерни текисловчи лазерли курилмалар лаборатория жиҳозлари, тракторларни бошқарув	2018 йил 30 май	Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	технологиялари билан жиҳозлаш ҳамда ўқув бинолари, талабалар турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил ва назорат қилиш.	<p>тизимда ESTI калибровка дастури, турбокомпрессорни и мувозанатловчи қурилмаси, ёнилғи аппарати, форсунка ва инжекторларни диагностика қилиш ва таъмирлаш стендлари ҳамда шу каби асбоб-ускуналарга буюртма бериш.</p>		жамғармаси, ҳомийлик маблағлари	вазирликлар ва идоралар, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
		2. Барча таълим йўналишлари бўйича замонавий ўқув-лаборатория мажмуалари, илмий лабораториялар, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш (тармоқ жадвали асосида).	2018 — 2020 йиллар		
		3. Ўқув бинолари қуриш ва мукамал таъмирлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш (тармоқ жадвали асосида).	2018 — 2021 йиллар		
20	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро	1. Ўқув-тажриба хўжаликларининг илмий-тадқиқот ва тажриба синов ишлари учун ажратилган ер участкаларида давлат буюртмаси	2018 йил 15 май	-	Сув хўжалиги вазирлиги, «Давергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	филиали, уларга бириктирилган касб-хунар коллежларининг ўқув-тажриба хўжалиklarининг илмий-тадқиқот ва тажриба синов ишлари учун ажратилган ер участкаларида давлат буюртмаси учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар томонидан шартномавий мажбуриятлар белгилашни бекор қилиш.	бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг шартномавий мажбуриятларини бекор қилиш.			Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиали

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3702-сон қарорига 3-ИЛОВА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиалига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, вилоят ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов контракт асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича

ҚАБУЛ КВОТАСИ

Т/р	Шифр	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари номи	2018/2019 ўқув йилига қабул режаси		
			Жами	шу жумладан:	
				давлат гранти	тўлов контракт
Бакалаврият таълим йўналишлари			1 170	360	810
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	900	290	610
1.	5450200	Сув хўжалиги ва мелиорация	115	30	85
2.	5430100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	95	25	70
3.	5450300	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш	90	30	60
4.	5340700	Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)	30	10	20

5.	5450400	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	60	20	40
6.	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	50	15	35
7.	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	25	10	15
8.	р/й	Сув таъминоти муҳандислик тизимлари	25	10	15
9.	р/й	Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш	25	10	15
10.	р/й	Дарё ва сув омборлари гидрологияси	25	10	15
11.	р/й	Сув хўжалигида экология хавфсизлиги	30	10	20
12.	р/й	Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	40	15	25
13.	р/й	Қишлоқ ва сув хўжалигида техник сервис	30	10	20
14.	р/й	Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш	25	10	15
15.	р/й	Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари	50	15	35
16.	р/й	Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти	45	15	30
17.	р/й	Геодезия ва геоинформатика	45	15	30
18.	р/й	Ер кадастри ва ердан фойдаланиш	70	20	50
19.	р/й	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	25	10	15
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали	270	70	200
1.	5450200	Сув хўжалиги ва мелиорация	40	10	30
2.	5430100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	30	10	20
3.	5450300	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш	40	10	30
4.	5340700	Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)	20	5	15
5.	5450400	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	40	10	30
6.	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	20	5	15
7.	р/й	Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти	40	10	30
8.	р/й	Ер кадастри ва ердан фойдаланиш	40	10	30
Магистратура мутахассисликлари			92	80	12
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	86	74	12
1.	5A450202	Мелиорация ва суғорма деҳқончилик	6	6	
2.	5A630101	Атроф муҳит муҳофазаси (сохалар бўйича)	4	1	3
3.	5A450205	Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш	4	4	
4.	5A450206	Сув тежамкор суғориш технологиялари	4	4	
5.	5A450401	Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг ишончилиги ва хавфсизлиги	5	5	
6.	5A450402	Насос станциялари ва қурилмаларидан фойдаланиш ва ташхиси	5	5	
7.	5A430101	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	8	8	
8.	5A450301	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш	7	7	

9.	5A311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (сув хўжалигида)	5	2	3
10.	5A410701	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш	8	8	
11.	р/й	Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш ва бошқариш	4	4	
12.	р/й	Сув хўжалигида экология хавфсизлиги	4	2	2
13.	р/й	Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	4	4	
14.	р/й	Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти	5	5	
15.	р/й	Сув хўжалигида Smart (интеллектуал) ўлчаш тизимлари ва асбоблари	5	5	
16.	р/й	Геодезия ва геоинформатика	8	4	4
		Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали	6	6	
1.	5A450205	Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш	2	2	
2.	5A410701	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш	2	2	
3.	5A450301	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш	2	2	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3702-сон қарорига
3а-ИЛОВА

2018/2019 ўқув йилида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича

ТАҚСИМОТИ

Т / р	Ш и ф р	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари номи	2018/2019 ўқув йилига қабул режаси		Д а в л а т г р а н т и ж а м и	Қ о р а қ а л п оғ и с т о н Р е с п у б л и к а с и	Х о р а з м	Б у х о р о	Н а в о и й	С а м а р қ а н д	С у р х о н д а р ё	Қ а ш қ а д а р ё	Ж и з а х	С и р д а р ё	Т о ш к е н т в и л.	А н д и ж о н	Н а м а н г а н	Ф а р ғ о на	Т о ш к е н т ш аҳ.	
			Ж а м и	ш у ж у м л а д а н:																
			д а в л а т	т ў л о в																
	Бакалавр йўналишлари		900	2900	610	290	6	23	7	19	28	22	36	30	26	34	13	13	13	20
	Тошкент ирригация		900	2900	610	290	6	23	7	19	28	22	36	30	26	34	13	13	13	20

		ва қишло қ хўжали гини механ изация лаш муҳан дислар и инстит ути																		
		Тошкент ш:	900	290	610	290	6	23	7	19	28	22	36	30	26	34	13	13	13	20
1.	5450200	Сув хўжалиги ва мелиорация	115	30	85	30		3		2	3	3	3	3	2	3	2	2	2	2
2.	5430100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	95	25	70	25		2		2	3	4	4	2	2	3	1	1	1	
3.	5450300	Сув хўжалиги ва мелиорация ишлари механизациялаштириш	90	30	60	30		4		2	3	2	4	2	2	4	2	2	1	2
4.	5340700	Гидротехника курилиши (сув хўжалигида)	30	10	20	10					2			2	2	2			2	
5.	5450400	Гидротехника иншоотлари ва	60	20	40	20		2		2	2	2	2	2	2	2	1	1	1	1

		насос станцияларидан фойдаланиш																
6	53 11 00 0	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	5 0	15	35	15		2	1	1	2	2	2	3		1	1	
7	52 30 90 0	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	2 5	10	15	10		1	1		2		2	2		1		1
8	р/ й	Сув таъминоти муҳандислик тизимлари	2 5	10	15	10		1	1	1		1	1	1	2			2
9	р/ й	Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш	2 5	10	15	10	1	1	1	1	1	1	1	1				1
10	р/ й	Дарё ва сув омборлари гидрологияси	2 5	10	15	10		2		2		2	2	2				
11	р/ й	Сув хўжалигида эколог	3 0	10	20	10		1	1	1	1	1	1	1	2			2

		ия хавфси злиги																	
